

буқанинг ҳар 100 кг тирик вазнига 1,3 кг дан курук модда тўғри келмоқда. Рацион тўйимлилигининг 32,8 % и ни пичан, 23,5 % и ни ширали озиқалар, 43,6 % концентрат озиқалар ташкил этади. Демак, рацион концентрат типидида озиқлантиришга мўлжаллаб тузилан. 1 озиқа бирлигига тўғри келадиган ҳазмланувчи протеин 148 г ни ташкил қилиб, ҳайвон организмида оксилга бўлган талабни тўлиқ қондиради. Курук модда таркибидаги хом клетчатка миқдори 21,7 % бўлиб, тўйимли моддаларнинг ҳазмланишига салбий таъсир қилмайди, яъни ҳайвон клетчаткани ҳазмлаши учун ортиқча энергия сарфламайди. Қанднинг протеинга нисбати 1: 0,5 ташкил қилади. Кальцийнинг фосфорга нисбати эса 2:1 ни ташкил қилиб, ҳайвоннинг овқат ҳазм қилиш органларида кислотали ва ишқорли муҳитни меъёрида бўлишини таъминламоқда ва бу ҳолат озиқаларни ҳазмланиш коэффициентига ижобий таъсир қилади.

Шундай қилиб, Бухоро вилоятидаги “Ўзнаслчилик” корхонаси, мамлакатимиз ҳудудларида урчитилаётган қорамолларнинг насл хусусияти ва маҳсулдорлигини оширишда самарали фаолият кўрсатмоқда.

ЙИРИК ЖУССАЛИ СУР РАНГЛИ “ШОФРИКОН” ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ЗАВОД ТИПИ

**О.С.Бойматов - магистрант, С.Б.Саттаров – доцент,
С.Ю.Юсупов – илмий раҳбар, профессор**

Аннотация: Абай номли наслчилик заводида янгидан яратилган қумуш рангбарангли қўйлар гуруҳи йирик жуссали сур рангли қоракўл қўйларнинг “Шофрикон” завод типини билан тасдиқланди.

Калит сўзлар: Насилчилик, қўл шароити, танлаш, саралаш, экстерьер, конституция, линия, урчитиш, селекция, сатх кенглиги.

Мавзунинг долзарблиги: Селекцион ютуқга 11 йил давомида олиб борилган чуқур наслчилик ишлари ҚЧЭИТИ нинг мавзу режаси асосида бажарилган А-11-121 - “Рангли қоракўл қўйларини сифатли рангбаранг ва гул типли бозоргир қоракўл тери етказувчи юқори маҳсулдор популяцияларини яратишда генетик потенциалидан унумли фойдаланиш асосида наслчилик ишларини юритиш усулларини ишлаб чиқиш” ҳамда ҚХА-8-051 - “Иқлим ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида қўл-яйлов ҳайвонлари селекциясининг эколого-биологик жиҳатдан асосланган самарали усулларини ишлаб чиқиш” лойиҳалари доирасида қумли қўл шароитида урчитилаётган қумуш рангбарангликдаги сур рангли қоракўл қўйларининг наслий ва маҳсулдорлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган йирик ҳажмли тери берувчи юқори маҳсулдор сурувларини яратиш бўйича селекция услублар ишлаб чиқиш асосида эришилган.

Тадқиқот мақсади: Бу сур рангли қоракўл қўйларининг қумли қўл шароитида урчитишдан олинган қоракўл терилар сатх кенглиги ва оғирлигини ўрганиш асосида бу хусусиятларга тасир этадиган омилларни ўрганиш ва шулар асосида йирик сатхли тери етиштиришнинг селекция услубларини ишлаб чиқиш эди.

Тадқиқот натижалари: Ушбу вазифани амалга ошириш учун 2014 йилда навоий вилояти Конимех тумани Абай номли қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалигида илмий-ишлаб чиқариш наслчилик фермаси ташкил этилган. Узоқ вақт давомида хўжаликда урчитилаётган қоракўл қўйларининг ирсий потенциалидан фойдаланиш асосида ҳамда самарали танлаш ва саралаш усулларини, технологик услубларни қўллаш ёрдамида йирик сатхли қоракўл терилар ишлаб чиқаришга йўналтирилган сур қоракўл қўйларининг қумушсимон рангбарангликдаги юқори маҳсулдор завод суруви яратилган.

Дастлаб (2004-2009 й.й.) йирик сатхли қоракўл терилар берувчи қумуш рангбарангликдаги сур қоракўл қўйлари йиғилиб, сўнгра улар гул ўлчами ва синфлари бўйича сифат гуруҳларига ажратилган, қўчқорлар жун-конституционал хусусиятлар ва экстерьерлари бўйича йиғилиб апробациядан ўтказилган. Шундан сўнг 2010-2015 йилларда

хайвонларнинг ирсий хусусиятларини (йирик жуссадорлик ва тери заҳирасининг юқори даражаси) мустаҳкамлаш мақсадида индивидуал танлаш ва саралаш ишлари амалга оширилган. Кейинги босқичда турғун генотипга ва мустаҳкам ирсий потенциалга эга бўлган хайвонлар сонини кўпайтиришга йўналтирилган селекция ишлари амалга оширилган. Авлодларида селекцияланаётган кўзилар чиқими 80-85% га етиб, шундан элита ва I синфли кўзилар чиқими 90% ни ташкил этган бўлиб, элита синфлиларнинг ўзи 25-30% ни ташкил этган. Мазкур сурув фақатгина Абай номли қорақўлчилик наслчилик ширкат хўжалигида урчитилмоқда.

Ушбу наслий материал бошқа хўжаликларга сотилмаган ва бошқа шахсларга урчитиш учун тарқатилмаган.

Бу типдаги хайвонларнинг асосий маҳсулдорлик, экстерьер, жун-конституционал, қайта урчиш хусусиятлари ва ҳаётчанлиги узоқ муддат урчитишда ўзгармасдан қолади. Қўчқорлар тирик вазни 65-70 кг, совлиқларники 45-55 кг, эркак кўзилар 4,7-5,2 кг, урғочи кўзилар 4,5-4,7 кг, онасидан ажратиш даврида ўз ўрнида 28-30 ва 25-28 кг.

Айни вақтда янги яратилган типда 49 бош катта ёшли ва 33 бош 1,5 ёшлар насли қўчқорлар, 2100 бош совлиқ, 1400 бош тусоқ ва 700 бош шу йил туғилган урғочи кўзилар мавжуд.

Келиб чиқиши бўйича бу хайвонлар икки гениологик линияларга мансубдир. Биринчи линиянинг уруғбоши қўчқори 2004 йилда туғилган, элита синфли, яримдоира қаламигул типли, қулоқ номери 3753-3754, кумуш рангбарангликдаги ва гавдасининг йириклиги билан характерланади. Авлодлари орасида 70% дан ортиқ кўзилар териси 1600 см² ни ташкил этган. Иккинчи линия қовурғасимон қаламигул типли, линия уруғбоши қўчқори 2004 йилда туғилган, элита синфли, кумуш рангбарангликдаги, қулоқ номери 4357-4358, гавдаси йирик, бош, қорин ва оёқларининг жун билан қопланиши етарли эмас, тери заҳираси ўртача. Авлодлари орасида 75% дан ортиқ кўзилар териси 1600 см² ни ташкил этган.

Хулоса: Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 11 январ 2017 йили № 154 қарори билан (талабнома № ЗАР 20150001) Абай номли наслчилик заводида янгидан яратилган кумуш рангбарангли кўйлар гуруҳи йирик жуссали сур рангли қорақўл кўйларнинг “Шофрикон” завод типини номи билан тасдиқланди. Завод типли кўйлар муаллифлари деб қ.х.ф.д., профессор С. Юсупов, қ.х.ф.н. М. Эгамкулов, қ.х.ф.д. С. Бозоров ва бошқалар тасдиқланган.

Келгусида бу хайвонларни “ўз ичида” урчитиш ва доимий равишда йирик жуссали ва юқори қорақўл тери хусусиятлари бўйича танлаш ишларини олиб бориш тавсия этилади.